

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ИДЕНТИКЛИК ОМИЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС РОЛИ

Султанова Х.Т.

“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миллий гоё, ёш мустақил давлатларда миллий давлатчилик анъаналарини тиклаш ёки уни қуришга интилаётган миллий сиёсат, миллийлик масалаларига қизиқиш ва тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: Миллий гоё, тарғибот, идентификация, идентиклик, элат, миллийлик ва бошқалар.

ОТЛИЧИТЕЛЬНАЯ РОЛЬ ФАКТОРА В НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА.

АННОТАЦИЯ

В этой статье в национальных идеях молодые независимые страны говорят о национальной политике, национальной политике, национальной политике, восстановить или построить национальные традиции государственности.

A DISTINCTIVE ROLE OF THE FACTOR IN THE NATIONAL IDENTITY OF CIVIL SOCIETY

ANNOTATION

In this article, in national ideas, young independent countries talk about national policies, national policies, national policies, trying to restore or build national statehood traditions.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан фуқаролик жамияти куриш борасида кўплаб чора-тадбирларни амалга оширди. Шунинг билан бирга мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида мустақиллик йилларида (1991-2021 йиллар) бир қанча мураккаб даврларни босиб ўтди ва босиб ўтмоқда. Фуқаролик жамияти энг аввало ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз аксини топиб, мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга ва унинг доимо тараққий этиб боришига жуда катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини, барча ҳаётий орзу-мақсадлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гуруҳ, оила ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдир. Бу сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва гуруҳлар ҳар бир инсонга ўзи яшаётган жамиятда ҳокимиятнинг манбаи эканлигини, ҳуқуқ ва эркинликлари, қобилияти ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитидагина давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар, уюшмалар, эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро плюрализмига асосланган муносабатлар уйғунлигидан ташкил топади[1]. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида миллий идентиклик хусусиятлари ўзини намоён этиб, муҳим аҳамият касб этиб боради. Чунки, фуқаролик жамиятида бир нечта миллат ва элатлар, этник гуруҳлар иштирок этишлари мумкин.

XXI асрда инсоният олдида бир қатор долзарб муаммо ва масалалар пайдо бўлмоқдаки, бу ўз ўрнида ҳам сиёсий, ҳам миллий ва ҳам иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Жумладан, бундай муаммоларга ҳозирда миллат, миллийлик ҳамда миллий идентиклик каби тобора долзарблашиб бораётган масалаларни

ҳам киритиш мумкин. Миллат ва миллийлик тушунчалари борасидаги турли ёндашув ва баҳс-мунозаралар асосан XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида назариятчи олимлар ва тадқиқотчилар томонидан турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий омиллар сабаб жадал ривожланди. XXI аср бошларида ривожланиб кетган ижтимоий муаммолар ва миграцион жараёнлар натижасида миллийликка қизиқиш билан бирга уни сақлаб қолишга интилиш ҳам кучайди. Бунга мисол сифатида бугунги кунда АҚШ, Германия, Россия, Норвегия, Буюк Британия, Франция, Туркия ва бошқа давлатларни келтириб ўтиш мумкин. Ушбу давлатларда охириги пайтларда миграцион жараёнларни тез суръатларда ўсиши миллий идентификация билан бирга этник ва маданий идентификацияни ҳам ривожланишига сабаб бўлмоқда. Айтиш мумкинки, яқин 20-30 йил вақт мобайнида кўплаб Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатларида “миллат”, “миллийлик” масалалари бу қадар ижтимоийлашмаган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва демократик фуқаролик жамияти мавжуд дея халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаётган кўплаб мамлакатларда миллий масалалар долзарблашиб бормоқда. Шу билан бирга Ғарб ижтимоий фанларида миллат тушунчаси ва умуман ҳодисасини инкор қилувчи космополистик назариялар ҳам кенг қулоч ёзмоқда. Масалан, машҳур Ғарб тадқиқотчиси Б.Андерсон миллат тушунчасини тадқиқ қилган ҳолда унга конструктив жиҳатдан ёндашиб шундай таърифлайди: “...миллат шуурдан ташқарида мавжуд эмас, ўзича у инсонлар онгида мавжуддир, лекин шундай бўлсада у, инсонларнинг ижтимоий тузилишларига кучли равишда таъсир кўрсатадиган воқеълик бўлиб қолмоқда” [2]. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади умуман инсон ўзини маълум бир миллат вакили сифатида қачон ҳис қилади? Қандай қилиб миллат аъзоси бўлиш мумкин? Агар биз тарихга назар ташлайдиган бўлсак, узоқ даврлардан бери мавжуд бўлиб келган халқлар ўз ҳудудини душмандан асраш ёки аксинча бошқа халқлар ҳудудини босиб олиш билан бирга ҳудудини кенгайтириш ҳамда бошқа масалалар сабаблигина уюшишган. Бу албатта энг қадимги

халқларнинг умумий ҳаёт тарзидир. Бу ерда инсон ўзини маълум бир миллат вакили сифатида билиши учун етарли компонентлар кўринмайди. Фикримизча, инсон ўзини маълум бир миллат вакили сифатида ҳис қилиши учун бир нечта туйғулар унда мавжуд бўлиши зарур. Масалан миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий ютуқлар, миллий бирлик ва ҳокозолар.

Бундан ташқари миллийлик ва миллатга тегишли бўлиш ўртасидаги фарқни Америкалик антрополог олим Джон Борманнинг тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Вэрдери фикрларига монанд Джон Борман биринчисини онгли ҳиссиётларга киритади, улар учун миллат фаол боғланганлик объекти ҳисобланади, иккинчисини – бирор нимага тегишли бўлиш ҳиссиётини, ўзини “ўз уйида” каби ҳис қилишини келтириб чиқарадиган кундалик амалиётларга ва ўзаро таъсирларга киритади” [2].

Тадқиқотчиларнинг назарияларига кўра, миллат шаклланиши маълум бир даврда ҳам юз бериши мумкин. Миллат шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, маълум бир давр мобайнида давом этади. Шунингдек бу жараёнда миллатнинг типологик белгилари бўлган тил, маданият, урф одат ва қадриятлардан ташқари ижтимоий сиёсий жиҳатлар ҳам бирламчилик қилиб, миллатни бирлашишида катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари миллат тушунчасида этнодан фарқли ўлароқ, аниқ кўриниб турадиган сиёсий оҳанг мавжуд бўлиб, у миллат ва этнос тушунчаларини фарқловчи мезон сифатида кўзга ташланади. Буни биз миллат тушунчасининг француз моделида ҳам кузатишимиз мумкин. Қуйида бир қатор тадқиқотчилар томонидан миллат ва миллийлик тушунчасига нисбатан берилган умумий таърифларни келтириб ўтмоқчимиз: **Биринчидан**, миллатни катта ижтимоий гуруҳ деб эътироф этиш мумкин. **Иккинчидан**, шу гуруҳнинг ичида уни бирлаштириб турадиган маълум бир алоқалар сиёсий, маданий, тарихий, диний, тил ва бошқалардан иборатдир. Уларнинг ҳаракатчан, беқарор ва ўзгариб турадиган иерархиясини ҳисобга олган ҳолда, мавжудлигини кўрсатиш мумкин. **Учинчидан**, миллатнинг ажратилиши доим иделоглар томонидан

гурух онгига сингдириладиган “умумий тақдир” мифи билан боғлиқдир, **тўртинчидан**, инсон ўзини у ёки бу миллатга қўшиши учун ўзининг ҳаракатларини маълум бир сиёсий ва ғоявий контекстга қўшиши зарур. [4]

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қирғизбоев М. *Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши*. Т., Ўзбекистон, 2010. Б.247.
2. Б.Андерсон, М. Хрох, О.Бауэр, Э.Смит. *Нация и национализм*. – М.: Праксис, 2002. – 224 бет.
3. www.archive.org/stream/grekenglishlex00liddrich#page/412/mode/2up.
4. Б.Андерсон, М.Хрох, О.Бауэр, Э.Смит. *Нация и национализм*. – М.:Праксис, 2002. – 91-92 бетлар.
5. *Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. (сиёсий-фалсафий қирралари)*. - Тошкент: Академия, 2005. – 367 б.
6. Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар: назария, методология, амалиёт. - Тошкент: 2004. – 372 б.